

ЗАМОНАВИЙ БАДИИЙ ҲАЙКАЛЬТАРОШЛИК КОМПОЗИЦИЯСИ



- ❖ ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Хайкальтарошлик (турлари бўйича)
- ❖ Кафедра мудири Курязов Улуғбек

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчилар: “Ҳайкалтарошлик” кафедра мудири Курязов
улуғбек

Такризчилар: Камолиддин Бехзод номидаги миллий расомлик
институтининг профессори Илхом Жаббаров

**Ўқув -услубий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий методик
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “29” январдаги 1-сонли баённома)**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	18
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	45
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	58
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	59
VII. ГЛОССАРИЙ	60
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	63

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)” таълим йўналиши ва мутахассислиги умумқасбий ва махсус фанларидан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг **мақсади** – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)” таълим йўналиши ва мутахассислиги умумқасбий ва махсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг **вазифаси** – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, илғор таълим технологияларининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, педагогик маҳорат асослари, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, ахборот хавфсизлиги, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Замонавий бадий ҳайкалтарошлик композицияси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- ҳайкалтарошликнинг турлари, қонунлари, усуллари, воситаларини;
- ҳайкалтарошлик йўналишида яратилган илмий адабиётларни;
- ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича замонавий талаблар асосида машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш мезонларини;
- ҳайкалтарошлик йўналишида муаллифлик ҳуқуқини;
- ҳайкалтарошлик турларининг бир – биридан фарқи ва аҳамиятини;
- композицияда янги технологик жараёнларини;
- анъанавий ва замонавий графика ашёларини;
- ҳайкалтарошлик санъати ашёлари ва янги технологияларини;
- ҳайкалтарошлик санъати соҳасидаги долзарб масалаларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- анъанавий ва замонавий ҳайкалтарошлик ашёлари фанларини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш;
- ҳайкалтарошлик йўналиши бўйича хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- ҳайкалтарошлик йўналишидаги фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибани амалиётга тадбиқ этиш;
- замонавий техник воситаларни ҳайкалтарошлик йўналишида қўллаш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- Ўзбекистон Республикасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидаги ўзгаришларни амалиётга тадбиқ эта олиш
- жаҳон тасвирий санъат усталарининг меросини ўрганиш;
- уларнинг ютуқларини ижодий ўзлаштириш **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

Тингловчи:

- мумтоз ва замонавий усулларда графика композициясини ишлаш;
- анъанавий ва замонавий ҳайкалтарошлик ашёларидан унумли фойдаланиш;
- ҳайкалтарошлик санъатида ижодий жараёнлар, технологиялар ва инновацияларни қўллаш;
- ҳайкалтарошликнинг барча турлари бўйича замонавий технологиялардан фойдаланиб композиция яратиш;

- мутахассислик фанлари тарихи ва замонавий концепцияларини билиши;
- ҳайкалтарошлик санъатида ижодий жараёнлар, технологиялар ва инновациялар;
- ҳайкалтарошлик санъатига оид асарларни замонавий усулларда ишлаш бўйича малакаларига эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- ҳайкалтарошлик санъатида замонавий усуллар орқали композициялар яратиш;
- ҳайкалтарошлик соҳасида илмий-тадқиқот лойиҳаларини тайёрлаш;
- анималистик ҳайкал яратишда замонавий ашёларни қўллаш;
- бадиий асар ва халқ дostonларига композиция яратиш;
- ҳайкалтарошлик санъатида новаторлик қилиш;
- таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштириш;
- таълим-тарбия жараёнларини бошқариш;
- таълим-тарбия жараёнларини назорат қилиш
- ҳайкалтарошлик фанлари инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминотини яратиш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Замонавий бадиий ҳайкалтарошлик композицияси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ҳайкалтарошликда ашёда ишлашнинг илғор технологиялари” модули мазмуни ўқув режадаги, “Меъморнинг инновацион фаолияти”, “Кичик шаклдаги ҳайкалтарошлик ва майда пластика” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ҳайкалтарошлик санъати, ҳамда тасвирий ва амалий санъат ривожланиши устида ишлаш, Ҳайкалтарошликнинг янги ғоялари устида ишлаш; Ҳайкалтарошлик асарларини илмий таҳлил этиш: Ҳайкалтарошликнинг ривожлантириш ва такомиллаштириш компетенцияларига эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
				Назарий	Амалий	Кўчма	
1.	Ижодий образ тафаккурини шакллантириш. Ҳаётий воқеликни кўра билиш ва умумлаштириш. Бадий асар ғоясининг аҳамияти, мавзу ва сюжетини тушуниш, композиция қонунияти.		2	2			
2.	Меъморчилик ва маҳобатли ҳайкални ўрнатиладиган муҳитга боғлаш қонунияти. Ўрнатиладиган ландшафтга боғлаш қонунияти, интерьер ва экстерьерда ишлаш қонунияти. Ижодий композиция орқали яратилаётган образни ҳажм ва фазовий кенгликда фикрлаш ва кўришни ривожлантириш ҳамда шакллантириш.		2	2			
3.	Портретли, тарихий, афсонавий, маиший, рамзли, аллегорик, анималистик, маҳобатли, меъморий, маҳобатли-декоратив (атлант, кариатид, фриз, фронтан,		2	2			

	фонтан, боғ-парк) ҳайкалтарошлик композициялари.						
4.	Пластик ва бошқа мос ҳайкалтарошлик материаллардан уч ўлчамли фазовий композициялар яратиш. Тош, темир, бронза, мис, ёғоч, лой ва бошқа материаллардан бадиий образ яратиш.		4		4		
5.	Шаҳарсозлик меъморий ечимларида замонавий ҳайкалтарошлик композицияларини қўллаш.		6		2	4	
Жами: 16 соат			16	6	6	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Ижодий образ тафаккурини шакллантириш. Ҳаётий воқеликни кўра билиш ва умумлаштириш. Бадиий асар ғоясининг аҳамияти, мавзу ва сюжетини тушуниш, композиция қонунияти. (2 соат)

Ҳайкалтарошлик фанинг ривожланиш тенденциялари модулининг мақсади, вазифалари, назарияси ва амалиётининг эволюцияси. Аудиторияларни таҳлил этиш. “Уйғунлик” тушунчаси.

2-мавзу. Меъморчилик ва маҳобатли ҳайкални ўрнатиладиган муҳитга боғлаш қонунияти. Ўрнатиладиган ландшафтга боғлаш қонунияти, интерьер ва экстерьерда ишлаш қонунияти. Ижодий композиция орқали яратилаётган образни ҳажм ва фазовий кенгликда фикрлаш ва кўришни ривожлантириш ҳамда шакллантириш. (2 соат)

Ҳайкалтарошлик композиция мақсадларни белгилаш. Меъморчиликда ҳайкалтарошлик асарларининг аҳамияти. Ҳайкалтарошликни амалда ишлатилиш услублари. SWOT-таҳлил” методи.

3-мавзу. Портретли, тарихий, афсонавий, маиший, рамзли, аллегорик, анималистик, маҳобатли, меъморий, маҳобатли-декоратив (атлант, кариатид, фриз, фронтан, фонтан, боғ-парк) ҳайкалтарошлик композициялари. (2 соат)

Замонавий ҳайкалтарошлик услублари. Замонавий ҳайкалтарошликнинг ривожланиш босқичлари .

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1- Амалий машғулот.

Пластик ва бошқа мос ҳайкалтарошлик материаллардан уч ўлчамли фазовий композициялар яратиш. Тош, темир, бронза, мис, ёғоч, лой ва бошқа материаллардан бадиий образ яратиш. (4 соат)

Тош, темир, бронза, мис, ёғоч, лой ва бошқа материалларидан фойдаланиш. Замонавий композициялар яратиш технологияларидан фойдаланиш.

2- Амалий машғулот.

Шаҳарсозлик меъморий ечимларида замонавий ҳайкалтарошлик композицияларини қўллаш. (4-соат)

Ҳайкалтарошлик композиция мақсадларни белгилаш. Меморчиликда ҳайкалтарошлик асарларининг аҳамияти. Ҳайкалтарошликни амалда ишлатилиш услублари.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-кўчма машғулот.

Шаҳарсозлик меъморий ечимларида замонавий ҳайкалтарошлик композицияларини қўллаш.

(4 соат)

Шаҳарсозлик меъморий ечимларида замонавий ҳайкалтарошлик композицион қурилиши мазмунни шакллантириш ва ифодалаш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида

фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

SWOT таҳлил:

S – strength (кучли)

W – weakness (заиф)

O – opportunities (имкониятлар)

T – threatens (хатарлар)

Таҳлил қилиш учун 2x2 ўлчамдаги матрица тузилади:

S	W
O	T

Намуна *Замонавий хайкалтарошлик SWOT таҳлили*

	Манфаатли омиллар	Манфаатсиз омиллар
Ички муҳит омиллари	<p>S – кучли томони.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Юқори малакали ходимлардан иборат жамоа. 2. Бошқа санъат муассасалари билан ўрнатилган манфаатли алоқалар. 3. Кўргазмалар ташкил этишда инновацион шаклларни қўллаш. 	<p>W – заиф томонлари</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бошқарув жараёнининг салбий томонлари (сусткашлик). 2. Айрим мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги (м-н: маркетинг)
Ташқи муҳит омиллари	<p>O – имкониятлар.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўз экспонатининг ноёблиги бўйича музейнинг таниқлилиги даражаси. 2. Деярли кучли рақобатнинг мавжуд эмаслиги. 3. Халқаро маданий алоқаларда қатнашиш имкониятлари. 	<p>T – хатарлар.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Объектив санъат талабининг пасайиб кетиши. 2. Ички рақобат: мутахассис кадрларнинг бошқа иш жойига ўтиб кетиши. 3. Ташқи рақобат: Кўплаб музей ва галереяларнинг мавжудлиги.

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг

моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилят ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби

- тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;
- тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисимлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;
- ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;
- Навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдиротларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу.

Намуна:

Галерея аудиториясини сегментлаш					
Даромадлари бўйича		Ёши бўйича		Жинси бўйича	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида

Ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил эчим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади: Ф –фикрингизни баён этинг, С – унга сабаб кўрсатинг, М – мисол келтиринг, У- умумлаштиринг.

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна

Фикр: “Музей брендини шакллантиришда доимий ташриф буюрувчилар ҳатти харакати таъсир этади”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намоёиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга куйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларнинг мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Арт маркетинг	ташкилий ва бадий мақсадларга эришишда истеъмолчилар билан ўзаро манфаатдорлик муносабатларни ўрнатишга йўналтирилган интеграштирилган менежмент жараёни	
Паблик рилейшинз	жамият билан алоқа ўрнатиб, уни йўлга қўйиш, яъни санъаткор ёки расом шухратини ёйиш учун санъат асари ёки унинг хизматларини тарғиб этиш, реклама қилиш	
Паблисити	мутахассислар ва улгуржи харидорларга мўлжалланган тарғиботни олиб бориш	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.


Венн диаграммасида ишлаш қоидалари:

Венна-диаграммаси – бу карама-қарши қуйилган 2-3 та аспектларнинг умумий кўринишларининг таққослашдир;

Венна-диаграммаси ташкил қилиш қоидаси билан танишиб чиқадиладилар. Индивидуал-жуфтликда венна-диаграммасини тузадилар ва кесишмаган айланани тўлдирадилар. (X)

Икки ёки учта диаграммалар кесишган айланага уларнинг умумий курунишларини ройхатини тузадилар ва ёзадилар.

Венн диаграммаси



“Блиц-ўйин” методи.

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Ижодий образ тафаккурини шакллантириш. Ҳаётий воқеликни кўра билиш ва умумлаштириш. Бадий асар ғоясининг аҳамияти, мавзу ва сюжетини тушуниш, композиция қонунияти. (2 соат)

Режа:

- 1.1. Ижодий образ тафаккурини шакллантириш.
- 1.2. Бадий асар ғоясининг аҳамияти.
- 1.3. Ҳайкалтарошликка бўлган талабни таҳлил қилиш.

Таянч иборалар: Пантеон,обелиск ,зодчий ,пандус ,палетта.

1.1. Ижодий образ тафаккурини шакллантириш.

Ижодий образ тафаккурини ўқитишдан **мақсад** юксак тасвир маданияти ва касб маҳоратини тўлиқ эгаллаган ҳайкалтарошлик мутахассисини тайёрлашдир. Шунингдек талабалар илмий-назарий, махсус умумтаълим фанларини пухта ўзлаштириши, ижодий, педагогик ва жамоатчилик фаолиятига тайёрланган бўлиши лозим. Ҳайкалтарошликни ўрганиш жараёнида рассомчилик мактаби ва Олий таълим тизимининг асосий вазифалари миллий санъатимизни жаҳон андозалари даражасига кўтарувчи баркамол маҳорат ва истеъдод соҳиблари бўлган мутахассисларни етказиб беришдир. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, фанни мукаммал эгаллашлари учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

- а) мавжуд воқеликни бутун ранг-баранглиги ва кўлами билан идрок этиш ва уни бадий тимсолларда гавдалантириб бера олиш;
- б) жаҳон амалий санъати усталарининг меросини ўрганиш ва уларнинг яхши ютуқларини ижодий ўзлаштириш;
- в) анатомия, перспектива, чизматасвир, меъмор маслаҳати, ашёда ишлаш, материалшунослик каби ёрдамчи ўқув фанларини жиддий ўзлаштириш.

1.2. Бадий асар ғоясининг аҳамияти.

Бадий асар таҳлили адабиёт ўқитиш методикаси фанининг алоҳида ва муҳим бўлими ҳисобланади. Адабий таълимнинг сифати, самараси ва замон талабаларига жавоб бера олиш даражаси кўп жиҳатдан адабий асарларни ўрганиш қандай ташкил этилганлиги билан белгиланади. Адабий таълимни илмий методик йўналишда олиб бориш, адабий асарларни умумтаълим тизимида эстетик тамойилларга таяниб таҳлил қилишни ташкил этиш, самарали таълим методларини ишлаб чиқиш, ноанъанавий усул ва воситаларни яратиш адабий асар таҳлили методикасининг умумназарий масалаларини ташкил этади.

Архитектура

Бу давлатларнинг энг қадимги култ қурилмалари бизнинг эрамиздан аввалги IV – III мингйилликларга оитдир. Бу қурилишларнинг асосийлари оллох даргошларидир. Бу даргошлар қалин деворлар билан ёпилганди. Урукдаги Оқ мақбара номли бу қурилма энг аввалги қурилишлардандир. Уни планида текис қурилиш бўлиб, у баланд платформа устига қурилган. Деворларга нақш солинмаган, кириш жойида зина қурилган ва ичида худога оид хайкал қўйилган. Эрамиздан аввал III мингйилликда зиккурат – архитектура масаласида дурустрок мақбараси пайдо бўлди. Зиккурат минора пастки мақбара устидан чиқиб туради. Эрамиздан аввал III мингйилликни охириди у ерда Ур-Намму шохининг мақбарасини жуда катта зиккурату хозирги қунимизгача етиб келган. Ташқаридан қаралса мақбара бир то\дай бўлиб кўринади. У учта баъайбат дахлиздан иборат бўлиб, тепага қараб торланиб боради. Дахлиз зина билан қўшилган булиб, уч хил рангдан иборатдир: Пастки қора (битум), ўртаси оқ (ошак) ва тепаси қизил (қуйдирилган ғишт) Бу форма ер ва осмонни шайтларини бир – бирига чамбарчас қўшилишини фодалайди, худди Миср перамидаларига ўхшаб, Зиккуратни ичи бўш эмасдир. Дахлизларни устини қохинлар бандларди, улар осмон ёриткичларини кузатарди. Кишдаги “Сарой А” мақбараси жуда шам таниқлидир. У планида тўртбурчакли формасида бўлиб, шамма хоналари ховли четига қўшиб қурилган. Ундан ташқари сарой атрофига мушофаа деворлари қурилган эди. Саройларни тепалик танлаб, уни устига қуришарди. Ховлига бош зинапоя олиб кирарди, уни энг устида хоким халқ олдига чиқиб кўринарди, гўёки худодай.

1.3. Хайкалтарошликка бўлган талабни тахлил қилиш.

Кўплаб ижодкорлар учун унинг ижодига талаб, қизиқиш бадий тажрибасининг бўлинмас қисмидир. Қачонки ижодкор нимани етказишини томошабинлар ўз тажрибасида синасагина ижодий жараён тугалланган хисобланади. Талаб, қизиқиш вужудга келтира ололмаган қизиқтира олмаган санъат даромад келтириши қийин бу ўринда ижодгорни малум бир мухлислари қисқача қилиб айтганда ўз аудиториясига эга бўлиши керак.

Буни самарали амалга ошириш учун санъат муассасалари турли тадбирларига жалб этилган барча инсонлар хошиш истаги, эхтиёжи ва мотивацияларини тушунишлари лозим.

Аудитория нима? “Аудитория” тушунчаси турли контекстлардан келиб чиққан ҳолда турлича маънога эга:

Аудиториялар “санъат рецепторлари” сифатида. Леймос ва Стюарт (Lamos and Stewart (1983) фикрича аудитория “ижодкор шижоатининг янграйдиган акси... Санъаткор ахборот узатувчиси бўлса, аудитория унинг қабул қилувчиси”

Аудиториялар стейкхолдер сифатида, яъни манфаатдор шахслар сифатида. Яъни санъатни кўллаб қувватловчи ёки уни ривожда манфаатдор бўлганлар. Масалан, давлат фондлари, маҳаллий хокимият, ҳайрия жамғармалари, таълим

муассасалари, матбуот ва медиа, кейтеринг (ресторан хизматлари: банкет, тўй, тантана), костюмлар ижараси ва ҳ.з. лар каби ёрдамчи хизмат кўрсатиш соҳалардаги потенциал истеъмолчилар, тадбиркор ҳомийлар, бошқа ижодкор ва санъат муассасалари, дўстлар ёки аъзолар.

Аудиториялар истеъмолчи сифатида. Булар билан санъат муассасаси муайян қийматлар алмашувини амалга оширишга ҳаракат қилади. Истеъмолчи маркетингда асосий шахсдир. Истеъмолчи кимлиги ва муассаса учун қандай шахслигини аниқлаш маркетинг дастурини ишлаб чиқишдаги калаванинг учидир. Истеъмолчига товар ёки хизматнинг ўзи муҳим эмас, муҳими, ушбу товар ёки хизмат орқали муаммоларини ҳал этиши, истак-хоҳишларини амалга оширишидир. Замонавий истеъмолчи товар ва хизматлар ёрдамида нафақат ўзининг муаммоларини бартараф этишни, балки ушбу муаммо қандай ҳал этилаётганлигини билишни хоҳлайди. “Театр аудитория мамнун бўлиши учун пул, вақт ва ижодкор маҳоратини сарфлайди. Аудитория эса театрни қўллаб қувватлаш учун пул ва вақтини сарфлайди. У ўз эмоцияларини ҳам сарфлайди” (Schlosser, 1983).¹

Санъат феноменларни кўриб чиқиш турли савол ва қарама қаршиликларни келтириб чиқаради. Масалалардан бири томоша ва томошабинлар ўртасидаги муносабат. Кўплаб мисолларни кўриб чиқиб, бугун машҳур бўлган спектакл ўтган вақтда бундай бўлмаган, ҳар ҳолда агар уни унитишмаса у бўлиши мумкин иккинчи даражали жойини топа олар. Шекспир ўзини даврида Елизавета ва Якоб қиролининг энг яхши драматурглари қаторидан жой ололмаган бўлса ҳам у аҳамиятли ёзувчилар рўйхатидан жой олган. Айрим санъат асарлари ўз даврида қаровсиз қолади, масалан Г.Мелвилнинг “Моби Дик”, яъни “Оқ кит” номли асари, лекин анча вақт ўтиб буюклик даражасига кўтарилади. Ҳар хил ишларнинг машҳурлиги вақт ўтиши билан ўзгаради.²

Истеъмолчиларни ҳаракатлантирувчи куч албатта эҳтиёждир.

Сотувчилар истеъмолчиларнинг бир хусусиятини билдилар: улар сотиш жараёнини ҳуш кўрмайдилар, аксинча харид қилиш барчага ёқади. Шунинг учун ҳам маркетинг сотиш механизмини яратиши эмас, балки харид қилиш имкониятини вужудга келтириши лозим. Бу орқали истеъмолчининг эҳтиёжларини нафақат товарга нисбатан, балки харид қилиш жараёнига нисбатан ҳам қондириши лозим. Ҳар қандай ташкилот ёки муассаса оддийгина истеъмолчига эмас, балки доимий истеъмолчига эга бўлишни хоҳлайди. Доимий истеъмолчи – бу муассасанинг

¹ Liz Hill, Catherine O'Sullivan and Terry O'Sullivan. “Creative Arts Marketing”. 2004. Composition by Genesis Typesetting, Rochester, Kent Printed and bound in Great Britain, pages 36-38.

² Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbilgin. “Arts marketing”, «Elsevier Butterworth-Heinemann» Germaniya, 2014. p. 188

нафақат ўтмишдаги муваффақиятли фаолияти, балки унинг бугунги ва келажакдаги фаолияти ҳолатининг натижасидир. Санъат мухлислари – турли даражадаги истеъмолчилар муассасадан ҳар хил турдаги дастурларни талаб қиладилар. Истеъмолчини ҳар дақиқа йўқотиб қўйиш мумкин, шунинг учун ҳам доимий истеъмолчи – бу бутун бир жараёндир. Қуйидаги 1.5.- расмдан муассасанинг содиқ истеъмолчига эга бўлиш жараёнини кузатиш мумкин.

Потенциал истеъмолчилар деб муассаса товари (хизмати) қизиқтириши, жалб этиши, эҳтиёжини қондириши мумкин бўлган истеъмолчилар гуруҳига айтилади. Улар муайян санъат бозоридаги маҳсулот ҳақида ҳали ҳеч нарса билишмайди. Ёки у ҳақда маълумотларга эга бўлсалар-да, ҳали уни “татиб” кўрмаганлар. Потенциал истеъмолчилар истиқболли ва истиқболсизга айланиши мумкин. Қачонки, истеъмолчига товар ҳақида ҳеч қандай маълумот етиб бормаса, ёхуд унга бўлган эҳтиёж зарурий бўлмаса, истеъмолчи истиқболсизга айланади. Истиқболли истеъмолчилар товар ё хизматни биринчи марта харид қиладилар. Улар эҳтиёжларининг қондирилиши даражасига мувофиқ, истеъмолчилар такрорий мурожаат қилган ёки пассив (собик) истеъмолчига айланади. Такрорий мурожаат қилган истеъмолчилар мижозларга, сўнгра ҳомий ва ҳамкорга айланиши мумкин. Лекин маркетинг истеъмолчилари билан доимий тарзда унумли ишламаса, ҳомий ва ҳамкорлар пассив ёки собик истеъмолчиларга айланиб кетиши хавфи мавжуд.

Санъат шакллари турлича бўлиб, булар ўртасида умумийлик бу хизмат кўрсатиш элементи, қаерда ишлаб чиқиш истеъмол қилишдан айрилмас. Хизмат кўрсатиш доирасида санъат таълим, ҳамда бўш вақт ва истироҳат учун хизмат қиладиган соҳалар билан беллашади. Ушбу рақобатли муҳитда арт менежерлар ўзининг санъат шаклидан узоқроқни кўра олишлари керак, яъни бошқа санъат шакллари рақобатчи сифатида билиш, нима учун баъзи истеъмолчилари унга содиқ бошқалари эса унинг акси эканлиги аниқлаш зарур. Арт маркетинглар ташриф буюришнинг мотивацияси, турли санъат шакллари ва ходисаларини қўллаб қувватланишини олдиндан кўра олишлари, ҳамда бадиий тажрибага эга бўлган ва эга бўлишни хоҳлаган истеъмолчини жалб этилишини тушуниши лозим. Санъат намоёишларида истеъмолчи ўзининг индивидуаллигини аниқлашда бажараётган роли борасида саволларга ҳам жавоб топиш муҳимдир. Коттасз (Kottasz (2003) тадқиқотларида аниқланишича, Лондондаги бадавлат ёшлар хайрия жамиятларидан кўра санъат муассасаларидан олган таассурот ва бошқа манфаатлар туфайли уларга хайр эҳсон қилишни афзал кўрар эканлар.³

Даставвал ижодкорлар ўзини қониқтириш учун ижод қиладилар, аудитория эса таассуротга эга бўлиш учун бирлашади. Хилл буни учта

³ Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbilgin. “Arts marketing”, «Elsevier Butterworth-Heinemann» Germaniya, 2014. p. 190

кўринишда берди: аудитория “санъат рецептори” сифатида; аудитория манфаатдор шахсларни ўзига киритувчи бирлашма сифатида; ва аудитория истемолчи сифатида.

Аудиториялар санъат шаклига мувофиқ ҳар хил бўлади. Санъат кўргазмасида одамлар кичик гуруҳ бўлиб айланиб юришади ва кўрганларини муҳокама қиладилар, лекин барча ўзининг таассуротига эга бўлади. Албатта галерея ва музейлар тинч ва сокин жой. Бироқ бу кенг театр томошаларига тўғри эмас.

Жонли ижрода ижрочилар ва аудитория ўртасидаги ўзаро ҳаракатлар тароватни келтириб чиқаради. Сюзан Томес, Флорестан трио пианиночиси, ушбу тароват қаердан келиб чиқишини тушунишга ҳаракат қилди, “мени ҳар бир аудитория ўзининг характериға эғалиғи лол қолдиради. Мен ҳамкасбларим билан “бу аудитория қандай туридан” деб, мунозара қиламиз. Айрим аудитория диққат эътиборли, бошқаси эса паришон, бири совуқ, иккинчиси ташна, баъзилари эса сирли. Агарда мен аудитория билан бирга бўлсам мен индивидуал шахсман деган фикрдан узоқ бўламан” (Tomes, 2002). Келлер торли асбоб квартети концертға келган аудиторияни профессионал футбол матчиға келган томошабинлар билан қиёслади. Унинг аниқлашича концертға келганлар нозик дидли деб ҳисобланган бўлса ҳам, лекин 90 фоизи олдин квартет тингламаган экан. “Бу эксперт бўлмаган, тинглаётган мусиқаси қандай эканлиғини билмаган аудитория берилиб эшитар эди”. Бундан фарқли равишда, футбол ишқибозларининг атиға 10 фоизи футбол ўйнаб кўрмаган. “Жисмонан таниш ва нима бўлаётганини ҳис қила оладиган 50 мингта футбол билимдонларини топар эдингиз” (Black, 1990: хх). Агарда аудитория тинч туролмайдиган бўлса нима бўлади? Гиэлгуд эпчиллик билан айтган: “Ҳеч қачон айтманг бу ёмон уй деб, уни яхшилаш бу сизнинг ишингиз”.

Аудитория олган таассуротидан жавоби бу олқишлашидир. Намойиш тугади, пардалар туширилди, аудитория олган таассуротини чамалаб кўрмоқда, кейин эса миннатдорчилиғи ва ҳис туйғуларини гулдурос қарсақлари орқали билдиради. Ижронинг бадий мазмуни таъзим учун чақирлаётган ёки чақирилмаётган ижрочиларида аниқланади. Лекин бу юзаки ёндашув, чунки ҳаммага маълум баттол ёки жирканч ролларини ўйнаган актёрларға бошқача олқишлаш бўлиши мумкин.⁴

Назорат саволлари

1. Ижодий асар қандай бўлади?
2. Қандай талаб даражасини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин?

⁴ Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbilgin. “Arts marketing”, «Elsevier Butterworth-Heinemann» Germaniya, 2014. p. 192-193

3. Талабнинг муайян ҳолатларига тўғри келадиган қайси маркетинг тури мавжуд?
4. Аудитория нима?
5. Композицион уйғунлик тушунчаси нимани билдиради?
6. Анъанавий ҳайкалтарошлик элементларини нималар ташкил этади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbilgin. “Arts marketing”, «Elsevier Butterworth-Heinemann» Germaniya, 2014.
2. Liz Hill, Catherine O’Sullivan and Terry O’Sullivan. “Creative Arts Marketing”. 2004. Composition by Genesis Typesetting, Rochester, Kent Printed and bound in Great Britain
3. Адуллаева Н.Д., Санъат тарихи. Ўқув қўлланма. Тошкент 2014

2-мавзу. Меъморчилик ва маҳобатли ҳайкални ўрнатиладиган муҳитга боғлаш қонуниятлари. Ўрнатиладиган ландшафтга боғлаш қонуниятлари, интерьер ва экстерьерда ишлаш қонуниятлари. Ижодий композиция орқали яратилаётган образни ҳажм ва фазовий кенгликда фикрлаш ва кўришни ривожлантириш ҳамда шакллантириш.

(2 соат)

Режа:

- 2.1. Ҳайкалтарошлик композиция мақсадларни белгилаш.
- 2.2. Меъморчиликда ҳайкалтарошлик асарларининг ахамияти.
- 2.3. Ҳайкалтарошликни амалда ишлатилиш услублари.
- 2.4. Ҳайкалтарошлик композиция SWOT-таҳлил.

***Таянч иборалар:** миссия, мақсад, SWOT-таҳлили, стратегия, рақобатбардошлик, И.Ансофф модели*

2.1. Ҳайкалтарошлик композиция мақсадларни белгилаш .

Ҳайкалтарошликда композициянинг мақсад бўлғуси ижодкор мутахассисларга тасвирий санъатнинг реалистик мактаб анъаналарини, яъни ҳайкалтарошлик асарлари композициясининг асосий турлари (бюст, бир фигура композицияси, кўп фигурали композиция), декоратив, маҳобатли, дастгоҳли ҳайкалтарошликда бадиий образ композицияси ечими, ҳайкалтарошлик рельефи композициясида бадиий образ ечими, синтетик санъат архитектуроникаси, “масштаблик ва умуммасштаблик” тушунчаси, композициянинг назарий асоси,

унинг бадий образ яратиш жараёнидаги аҳамияти; композициянинг асосий турлари, ундан ҳайкалтарошлик асарлари яратишда фойдаланиш; ҳайкалтарошлик асарларида пластик таъсирчанлик қонунлари; композициянинг бир бутунлиги; контрастлар қонуни; композиция мувозанати; ритмлаштириш; гармонизация; “олтин кесишув”; ҳаммасштабликни билиш; тектоник композиция; нур қўланкаси тузилиши бўйича рельефлар яратиш; ҳайкалтарошлик рельефларида стероскопик ҳис қилишни ўргатиш, сақлаш ҳамда ривожлантиришда ҳозирги замон тасвирий санъатининг янги – янги пағоналарини эгаллаш, яратилган ва яратилаётган бадий асар таъсирчанлигини англаш, ҳис этиш ва унинг бадий ғоясини ошириш, ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича назарий билимларини шакллантиришдан ва юқори малакали кадрлар тайёрлашдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, композицияни мукамал ўргатиш учун қуйидаги *вазифалар* белгиланди:

а) Ҳайкалтарошни ижодий образ тафаккурини шакллантириш, ҳаётий воқеликни кўра билиш ва умумлаштириш, уларнинг сабаби ва ички моҳиятини англашга ўргатиш;

б) бадий асар ижодий услубияти ва асосий услубларини ўргатиш: бадий асар ғоясининг аҳамияти, мавзу ва сюжетини тушуниш, композиция қонунияти, меъморчилик ва маҳобатли ҳайкални ўрнатиладиган муҳитга боғлаш қонунияти, ўрнатиладиган ландшафтга боғлаш қонунияти, интерьер ва экстерьерда ишлаш қонунияти.

в) ижодий композиция орқали яратилаётган образни хажм ва фазовий кенгликда фикрлаш ва кўришни ривожлантириш ҳамда шакллантириш.

2.2. Меморчиликда ҳайкалтарошлик асарларининг аҳамияти

Меморчиликда ҳайкалтарошлик асарларининг ўрни муҳим бўлиб ҳайкалтарошлик асарлари аваламбор масштаб бинога нисбатан мос ва бинони қандай иншоат эканлиги ҳақида аҳолига бирламчи маълумотни етказиши керак бўлади. Шу ўринда меморчилик ва ҳайкалтарошликда қўлланиладиган чизма масштаб ҳақида тўхталадиган бўлсак. Чизма масштаби деб, тасвирланадиган объект натурадаги ўлчамларининг чизмада мос келадиган линейкали ўлчамлари нисбатига айтилади. Лойихани бажариш учун масштаб, тасвирланаётган меъморий объектнинг ўлчамларидан келиб чиқиб белгиланади. Масштабларнинг чизмалардаги тасвири қуйидаги тартибда ёзилади: кичрайиши учун – 1:2, 1:10, 1:50, 1:100, 1:200, 1:400, 1:500, 1:1000 ва ҳоказо. Катта шаҳарларнинг генпланлари 1:1000, 1:2000 масштабларда бажарилади.

Масштабни танлаш чизманинг мазмунига ва тасвирланаётган объектнинг ўлчамларига боғлиқ. Катта бўлмаган биноларнинг планлари фасадлари кесмалари 1:50, 1:100 масштабда бажарилади.

Генплан чизмаси-бинонинг тепадан пастга қараган кўринишдаги шартли ортогонал тасвиридир. Бош планда транспорт коммуникациялари, йўллар, бинолар, автостоянкалар, парк ва ҳиёбонлар, яшил массивлар, дарахтлар кўрсатилади.

Катта худудли генпланлар учун 1:500, 1:1000 масштаблар қўлланилади. Лойиханинг кўргазмали чизмалари дастлабки босқичнинг лойихавий таърифи сифатида бажарилади. Бундай чизмаларнинг вазифаси – муаллифнинг фикрини, лойихада мужассам бўлган бадиий-фазовий ғоясини графикли воситаларда кўргазмали очиб беришдир.

Меъморчилик ва ҳайкалтарошлик бир-бири билан узвий боғлиқдир. Масалан: кўргазма ва музейлар интерьерларини безатиш учун бадиий асарлар: статуялар, бюст, мавзули композициялар ва бошқаларни; архитектура иншоотлари, майдонларда қаҳрамонлик, миллий ғурур ғояларини тараннум этувчи тарихий шахслар образлари ҳайкалларини; боғлар ва ҳиёбонлар майдонларини безатиш учун яратиладиган ҳайкалтарошлик асарларини; турли ашёларда бажариладиган статуэткалар, кичик ҳажмдаги мавзули композициялар, анималистика жанридаги ҳайкалтарошлик асарларини; рельеф кўринишида бажариладиган асарларни, ҳар хил тарихий воқеликлар, буюк шахслар юбилей саналари ва ҳоказоларни нишонлашга бағишланган ҳайкалтарошлик асарларини яратишни ўрганилар экан уларни ўз ўрнига қўйиб жойлаштиришда, томошабинлар учун кўримли ва таъсирли бўлишини таъминлашда, атроф-муҳит билан уйғунлиги таъминланган бўлишида; “транспорт майдони ва маҳобат” муаммосининг ечимини топишда; ҳиёбон ансамблларида ҳайкалтарошлик асарлари синтези муаммосини ечишда; жамоат бинолари меъморчилигида санъат синтези муаммосини хал қилишда меъмор маслаҳати фанининг ўзига хос ўрни бор.

Меъморий композиция назарияси мазмуни меъморий асарнинг ягоналигини ва турли тип ҳамда мақсадли иншоотлардан умумий шакл яратиш қонуниятларини ўрганишдан иборат. Композиция назариясида ўрганилаётган қонуниятлар категориялар ёки композиция унсурлари деб аталади. Бу категорияларга: ҳажмий фазовий тизим, тектоника, гармония, ритм, мутаносиблик, контраст, нюанс кабилар тегишли.

Болалар майдончасига анималистик жанрда композиция яратиш учун жой танланади. Бунинг учун шаҳардаги парк ва ҳиёбонлар, микрорайонлардаги болалар майдончалари, болалар боғчалари майдончалари кўриб чиқилади.

Болалар майдончаси учун мўлжалланган территориянинг ўлчамлари олинади ва хомаки чизмалар чизилади, яъни генплан схемаси устида ишланади.

Масштаб 1:100. Хомаки чизмалар анималистик ҳайкаллар композициясини атроф муҳит билан боғлаган ҳолда чизилади. Хомаки чизмалар тасдиқлангандан кейин аниқ ўлчамлар асосида яъни масштабда генплан схемаси чизилиди. Схемага асосан макет устида иш олиб борилади.

Макетнинг қулай томони шундаки, композиция қўйилган майдоннинг атроф муҳит, йўлаклар, меъморий воситалар билан боғлиқлиги аниқ ўлчамлар асосида кўрилади. Макетда композициянинг ҳажми ва жойи аниқ бўлиши шарт. Меъморчиликда, умуман санъатнинг ҳар қандай соҳасида ҳам чизма

тасвирлардан ташқари макет ясаб, бажарилган ишни татбиқ эта олиш катта маҳорат талаб қилади. Макет орқали бино ёки майдон тасвирини бериш энг қулай усул. Лекин макет ясаш иши талабадан катта маҳорат талаб қилади. Негаки макет ясашда бинонинг ҳар бир деталли, девори, қопламалари ва бошқа деталлари алоҳида-алоҳида ясаиб елимланади. Макет ясашда хомашёни тўғри танлай билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки маҳорат билан ясалган макет ҳам хомашёси чидамсиз юпқа бўлса бундай макет номуштаҳкам ва нохуш кўринишга эга бўлади. Макет атрофига антураж, ландшафт элементлари ишланади.

Перспектива бир томондан қараганда хажмли тасаввурни яратади, макет эса, лойихалаштириладиган объектнинг фазовийлигини ва хажмийлигини ҳамма нуқтадан кўришга, уни ҳаракатда қабул қилишга ёрдам беради.

Ўқув лойихаларида макет учун энг яхши ашё – қалин оқ қоғоз, фомокс ва рангли картон қоғозлар. Макетнинг асосий вазифаси – лойихалаштириладиган иншоотнинг тизимлилик ва мутаносиблик хоссаларини очиб бериш, ёрқин ифодаланган рельефи, сув сатхлари ўраб турган кўлам билан унинг композицион алоқасини кўрсатишдир.

Болалар майдончасига анималистик жанрда хайкал яратишдан олдин талабалар шаҳардаги боғ-ҳиёбон, ўзлари яшайдиган даҳалардаги болалар майдонларини кўриб чиқиб, сўнгра хайкал учун жой танлайдилар.

Танланган майдонга мослаб, анималистик хайкалларнинг хомаки эскизлари ишланади. Болалар майдончаси учун мўлжалланган территориянинг ўлчамлари ҳам олинади, хомаки чизмалар чизилади, яъни генплан схемаси устида ишланади.



Маҳобатли декоратив хайкалтарошликда худди маҳобатли хайкалтарошликдаги каби масштабларнинг пропорционалиги, хайкал хажми билан атроф муҳитнинг мутаносиблиги катта аҳамиятга эга. Бундай

хайкалтарошлик нафақат хайкалтарошлик масштаблари ва меъморчилик билан пропорцияларнинг тўғри мос келишини, балки инсоннинг кўриш ва қабул қилиш имкониятларини ҳам ҳисобга олиши керак.

Декоратив хайкалтарошликка боғ, парк хайкалтарошлиги ҳам киради: хайкаллар, бюстлар, фавворалар ва хоказолар. Шаҳар ҳиёбонларига қўйиладиган хайкалтарошлик асарларини ишлашда майдоннинг катталиги, ундаги бинолар ва дарахтларнинг жойлашуви, кундузги қуёш ёруғлиги ва кечқурунги чироқлар ёғдусида хайкалнинг кўриниши каби кўпгина факторларга ахамият берилади.

2.3. Хайкалтарошликни амалда ишлатилиш услублари.

Хайкалтарошлик амалда ишлатиладиган услублар қуйидагилар бўлиб хайкалтарошлик рельеф, барельеф, горельеф, контр рельеф

Рельеф тасвир санатнинг бир тури бўли хайкалтарошликнинг асосий шуналишларидан бири. Қуриниши текисликда жойлашган бўлиб уч улчамли тасвирни ағлатади текисликдан малум даражада бўртиб чиққан хоатда ишланадиган хайкалтарошлик тури тасвирнинг ташқарига бўртиб чиқиб туриш даражасига қараб бир инечта турларга ажралади хайкалтарошликда ушбу йўналишда турли хом ашёлардан ватурли шакиллар тасвирлашда ишлатилади

Барельеф релев турига кириб ралефга нисбатан бўртиб чиқиш даражаси камроқ бўлади тенг ярим нисбакт кам бўртиб чиқади ушбу санат тури мисол келтирадиган бўлсак медал, ордер, нишон, ва тангаларда кузатишимиз мумкин

Горельеф текисликда тасвирланадиган тасвирнинг шакилни, коматнинг тенг ярим қисмидан кўпроғи бўртиб тасвирланилган ҳолатга айтишимиз мумкин

Контр релеф барелефга нисбатан ҳам камроқ буртиб икади тасвир атрофлари конур чизиклар оркали тасвирланига қараб контррелеф деб номланган мисол қили қадимий египт деворий суратларини келтиришимиз мумкин

2.4. Хайкалтарошлик композиция SWOT-таҳлил

Стратегик таҳлил ўз моҳиятига кўра, режалаштиришдан олдинги босқич ҳисобланиб, бунда бошқарув объекти фаолиятининг жорий ҳолати ва келгусидаги ривож учун шароитларни аниқлаш учун ички ва ташқи муҳит таҳлили ўтказилади. Бу таҳлил кўрсаткичлари стратегик режалаштиришнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади.

Санъат соҳасидаги ташкилотлар фаолиятининг аҳолини баҳолаш учун мутахассислар SWOT усулидан фойдаланишни таклиф этадилар.

Ўзининг умумийлиги ва эгилувчанлиги билан ажралиб турадиган SWOT усули санъат соҳасидаги ташкилотлар фаолиятини таҳлил этиш учун қўл келади.

SWOT таҳлил:

S –(кучли)

W – (заиф)

O –(имкониятлар)

T – (хатарлар)

SWOT таҳлили муассаса стратегик имкониятларини баҳолашда қўлланилади. Шу билан бирга бу усулдан рақобатчиларга объектив баҳо беришда ҳам фойдаланса бўлади.

Таҳлил қилиш учун 2x2 ўлчамдаги матрица тузилади:

S	W
O	T

Матрицага муассаса рақобатбардошлиги нуқтаи назаридан муассаса тавсифномаси киритилади. Юқори қисмдаги квадратларда муассаса ички муҳити, пастки қисмида эса ташқи муҳити тасвирланади.

Чап томон квадратларида муассаса ривожини учун манфаатли, ўнг томонида эса манфаатсиз тавсифномалар асосида бериледи.

SWOT таҳлили (3-жадвал) муассасани стратегик режалаштиришнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

3-жадвал.

Музейнинг рақобатли SWOT таҳлили

	Манфаатли омиллар	Манфаатсиз омиллар
Ички муҳит омиллари	<p>S – кучли томони.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Юқори малакали ходимлардан иборат жамоа. 2. Бошқа санъат муассасалари билан ўрнатилган манфаатли алоқалар. 3. Кўргазмалар ташкил этишда инновацион шаклларни қўллаш. 	<p>W – заиф томонлари</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бошқарув жараёнининг салбий томонлари (сусткашлик). 2. Айрим мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги (м-н: маркетинг)
Ташқи муҳит омиллари	<p>O – имкониятлар.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўз экспонатининг ноёблиги бўйича музейнинг таниқлилиқ даражаси. 2. Деярли кучли рақобатнинг мавжуд эмаслиги. 3. Халқаро маданий алоқаларда қатнашиш имкониятлари. 	<p>T – хатарлар.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Объектив санъат талабининг пасайиб кетиши. 2. Ички рақобат: мутахассис кадрларнинг бошқа иш жойига ўтиб кетиши. 3. Ташқи рақобат: Кўплаб музей ва галереяларнинг мавжудлиги.

SWOT таҳлили давомида кучли ва кучсиз томонлар, имкониятлар ва хатарлар, яъни санъат муассасасининг ривожланишига таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар

таққосланади. Мисол учун, музейда ички омиллар – келувчилар сони, коллекциялар, кўргазма фаолияти, ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш, молиялаштириш, даромадни ишлаб чиқиш ва орттириш – унинг кучсиз томони бўлгани каби, унинг имкониятларида афзаллик бўлиши ҳам мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbilgin. “Arts marketing”, «Elsevier Butterworth-Heinemann» Germaniya, 2014.
2. Адуллаева Н.Д., Санъат тарихи. Ўқув кўлланма. Тошкент 2014
3. Liz Hill, Catherine O’Sullivan and Terry O’Sullivan. “Creative Arts Marketing”. 2004. Composition by Genesis Typesetting, Rochester, Kent Printed and bound in Great Britain

3-мавзу. Портретли, тарихий, афсонавий, маиший, рамзли, аллегорик, анималистик, маҳобатли, меъморий, маҳобатли-декоратив (атлант, кариатид, фриз, фронтан, фонтан, боғ-парк) хайкалтарошлик композициялари. (2 соат)

Режа:

- 3.1. Замонавий хайкалтарошлик услублари.
- 3.2. Замонавий хайкалтарошликнинг ривожланиш босқичлари.

Таянч иборалар: *визуал арт, арт бозор, галерея, аукцион, арт дилер, кўргазма заллари*

3.1. Замонавий хайкалтарошлик услублари

Тасвирий санъатнинг турларидан бири булган хайкалтарошлик асарлари борликдаги хажмга эга булган барча шакллар асосида тасвирланади. Майда хайкал чал ар дан тортиб, парк ва хиёбонларга ўрнатиладиган турлимаҳобатли хайкаллар, ёдгорликлар, биноларнинг деворларига ишланадиган рельефлар, танга, нишон, медал кабиларнинг юзасидаги бўртма тасвирлар хайкалтарошлик санъатининг турли кўринишларидир. Хайкалтарошлик асарлари ўзининг ишлатилиш жойи, бажарадиган вазифаси ва тайёрланиш усулига караб турлича номланади. Улар одатда думалоқ ва кабарик кўринишда булади. Думапок хайкалларни ҳамма томондан айланиб кўриш мумкин булса, кабарик хайкалларни юзага бўрттириб ишланганлиги сабабли фақат бир томондан кўрилади. Қабарик хайкалларни рельеф деб аталади. Рельеф французча сўз булиб «юза» деган маънони англатади. Рельефли хайкалларда асосий образлар билан

бир каторда кенглик, табиат манзараларининг кўриниши ҳам акс этади. Шунинг учун бундай рельефларни баъзан перспектив рельеф деб ҳам юритилади. Рельеф уз навбатида икки турга булинади. Улар барельеф ва горельефдир. Барельеф ҳам французча суздан олинган булиб, «паст» рельеф деган маънони англатади. Берельефда хайкал текис юзага нисбатан бир оз кабарган булиб, унинг қалинлиги ўзининг хакикий хажмининг яримидан ошмайди. Танга, нишон, орден ва медаль юзаларидаги бўртма тасвирлар бунга мисол бўла олади. Барельефлар айниқса амалий санъат буюмларини, меъморчилик биноларини безашда жуда кул келади. Қддимги юнонистонда хаётда ишлатиладиган турли хил буюмлар: кўза, гулдон, курол-аслахаларнинг юзаларини барельефлар билан безаганлар, биноларнинг деворларига турли хаётий воқеаларни акс эттирувчи бўртма тасвирлар ишлаганлар. Горельеф сўзи ҳам французча булиб, «баланд» рельеф маъносини билдиради. хайкалтарошликнинг бу турида тасвирлар юзадан сезиларли даражада бўртиб чиккан булиб, унинг қалинлиги ўзининг хакикий хажмининг яримидан ошган булиши шарт. Горельефга кўплаб тарихий воқеаларга багишлаб ишланган ёдгорликлар мисол булиши мумкин. Бу ёдгорликдаги айрим хайкаллар, масалан, олдинда тасвирланган образлар, юзага нисбатан жуда бўртиб чиккан булса ҳам лекин улар асосий композиция юзасига ёпишган холда ишланган. Бу ёдгорликларда рельефнинг икки турини ҳам учратиш мумкин. Лекин горельеф унда етакчи ўринни эгаллайди. Рельефнинг яна бир тури мавжуд бўлиб, бу ўйиб ишланган рельефлардир. Бундай рельефлар одатда текис юзага ўйиб ишланади. Юзани ўйиш натижасида хосил бўладиган ёруғ-соя ўйини хисобига тасвир кўзга ташланади. Бундай рельефларнинг имконияти чегарапанган бўлганидан улар амалга жуда кам қўлланилади. Улар қадимги Мисрда кўплаб ишлатилган Ҳайкалтарошлик санъат тури энг қадимги санат тури бўлиб уч ўлчамли ва айлана хайкалтарошлик турлари мавжуд бўлган ва hozirги кунга келиб хайкалтарошлик замонавий турлари жадал ривожланиб келмоқда булардан безакли, махобатли ва дастгохли хайкалтарошлик турларидир Ҳайкалтарошлик асарлари яратиш учун гурли хилдаги материаллардан фойдаланилади. Бу материаллар хайкалга турли характер ва мазмун беришда хизмат килади. Масалан, тош-гранитда ишланган хайкаллар кишида улугворлик, абадийлик бахш этса. аксинча мрамарда ишланган хайкаллар нозик, куркам кўринади. Шунинг учун хайкаллар ўзининг мазмуни ва ўрнатиладиган жойига караб хар хил материаллардан ишланиши мумкин. хайкалтарошлик материаллари куп. куйидагилардан иборат: пластилин, лой, ёгоч, металл, мрамар, гранит, суяк, цемент, гипс ва хоказолардир. Қимматбахо металллар-олтин, кумуш, никеллар ҳам хайкалтарошликда кулланилади. Ҳайкалтарошликда деярли ранг ишлатилмайди, лекин халк хайкалтарошлигида хайкалларни бўяш холлари учрайди. Бунга Ўзбекистон худудидан топилган катор хайкалтарошлик асарлари мисол бўла олади. хайкалтарошлик асарлари ҳам тасвирий санъатнинг бошка турлари каби ўзининг бажарадиган вазифаси, мазмунига караб катор тур ва жанрларга булинади. хайкалтарошлик турлари

деганда биз монументал, декоратив ва дастгоҳ хайкалтарошлигини тушунамиз. Монументал хайкалтарошликка муҳим тарихий воқеалар, атокли шахслар хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилган йирик улчовдаги, турли хилдаги ёдгорликлар, хайкалтарошлик ансамбллари киради. Одатда монументал хайкалтарошлик асарлари узида катта мазмунни англатиб, мустакил характерга эга булади. Лекин шу билан бирга у бевосита муҳит билан боғлиқ бўлиб, меъморчилик бинолари ҳамда табиат билан уйғунликда бўлиши мумкин. Бу унга янада улугворлик ва таъсирчанлик бахш этади. Монументал хайкалтарошлик асарларига хос булган хусусиятлардан бири бу асар қахрамонларини кўтаринки руҳда тасвирлашдир. Монументал хайкалтарошлик асарлари доим очик хавода туриш учун мўлжалланган бўлганлиги сабабли улар узок турадиган каттик материалдан, масалан, тош, бронза, гранит ва бетонлардан ишланади. Булардан ташқари монументал хайкалтарошлик асарлари узокдан кўришга мўлжалланганлиги сабабли, уларда катта-катта яхлит шакллардан кенг фойдаланилади. Истирохат боғлари, хиёбонлар, кўчалар, шунингдек, меъморчилик биноларининг деворларини безаш учун ишлатиладиган хайкалларнинг ҳамма турлари декоратив хайкалтарошлик санъатига киради. Хайкалтарошлик санъатининг бу тури монументал хайкалтарошликдан шу билан фарқ қиладики, агар монументал хайкалтарошлик асарлари узида мустакил мазмунни англатиб меъморчилик ва теварак-атрофга боғлиқ бўлмаган ҳолда кишига мустакил фикрни бера олса, декоратив хайкалтарошлик асарлари эса бевосита меъморчилик композицияси билан боғлиқ булади. Бундан ташқари агар монументал хайкалтарошлик асарлари ишлашда образларни кўтаринки руҳда ишланса, декоратив хайкалтарошлик асарларида эса образларни бир оз енгил юмористик тарзда талкин этиб, бўрттирилади. Бунга халқ бадий ижодиёти хайкалчаларини мисол қилиш мумкин. Хайкалтарошликнинг бу турида турли хайвон ва қушлар шакли кенг ишлатилади. Биноларнинг деворларига ишланадиган турли бўртма тасвирлар, амалий санъат буюмларининг юзасига ишланган тасвирлар ҳам декоратив хайкалтарошликка киради. Турли фавворалар, панжаралар, дарвозаларга ишланган бадий безакларга ҳам декоратив хайкалтарошлик намуналари сифатида қаралади. Чиннидан ясалган хайкалчалар, лойдан ишланган уйинчоклар ҳам шу хайкалтарошликнинг кўриниши ҳисобланади. Дастгоҳ хайкалтарошлиги узида мустакил мазмунни англатадиган асарлар киради. Бундай асарлар кўرғазмаларга, интерьерларга қуйиш учун мўлжаллаб ишланади. хайкалтарошликнинг бу турида воқелик ўзининг бутун борлиги билан акс этади. хайкалтарошлик санъатининг бу турида инсон психологиясидаги нозик узғаришлар, унинг ички руҳий кечинмалари, кайфияти ҳамда характерини очиб бериш имкониятига эга. Худди шу ҳолда у табиатдаги мавжуд хайвон ва жониворларни ишлашда ҳам уларнинг характерини кўрсата олади. Дастгоҳ хайкалтарошлигининг кўринишларидан бири бюстдир. У одам портретини гавдаси билан акс эттирувчи думалок хайкаллар группасига кириб, узида бир катор образларни

мужассамлаштирган хайкаллар композицияси тарзида булади. хайкалтарошлик санъатининг яна бир кўриниши терракота хисобланади. (терракота-итальянча суз булиб пишрилган лой маъносини билдиради). Терракота кенг маънода лойдан ясаиб, хумдонда пишрилган хайкалтарошлик асарларидир. Хайкалтарошлик осарларида инсоннинг факат ташки кўриниши, тинч турган холати ёки харакатдаги пайтини акс эттириш билан кифояланмай, ундаги ички кечинмалар, хис-хаяжон ва гамгинлик, келажакка интилиш каби холатлар ҳам уз ифодасини топади. хайкалтарош асарида инсоннинг тевааракатрофга булган муносабати, психологияси, калбидаги хис туйгулари ишонарли талқин этилади. Бунда, албатта, энг аввало хайкалтарош нинг ўта зийраклиги, тасвирлаш коидаларини пухта эгаллаганлиги одам гавдаси ва мимик ўзгаришлари борасида пластик анатомия сохасидаги юкори билимларга эга бўлишини таказо этади. Тугри топилган харакат, юздаги мимик холат хайкални таъсирли ифодалаш учун замин яратади.

3.2. Замонавий хайкалтарошликнинг ривожланиш босқичлари.

Мустакиллик йилларида яратилган хайкалтарошлик санъати гоаявий мафкуравий, маънавий маърифий сохада жамиятимиз хаётидаги сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ўзгаришларга тасвирий ва амалий санъат турларининг энг асосийларидан бири бўлиб ўзининг катта хиссасини кўшиб келмоқда. Бу давр санъат асарларида янги гоаявий-мафкуравий, ўзликни англаш, миллий хамда тарихий мавзулар уз аксини топди. Ватанимизнинг кўплаб шахарларида турли саналарга багишланган йирик бадий ёдгорлик ва хайкаллар ўрнатилди. Ўзбек миллатининг тарихини, аждодларнинг бой меъросларини ва маданият юксапишларини монументалчи хайкалтарошлар чукур ўрганиб, аждодларимизнинг бадий жихатдан юксак даражадаги ва улугвор қиёфаларини яратишга муваффақ бўлдилар. Мустакилнинг дастлабки йилларидаги хайкалтарошлик санъат асарларидан бири пойтахтнинг Миллий богида 1991 йили ўрнатилган Мутафаккир шоир, узбек тилининг асосчиси Алишер Навоий бобоми образи билан боглик. Ушбу хайкал муаллифлари хайкалтарошлар Э.Алиев, Н. Банделадзе, В. Дегтяровдир. Ушбу мухташам санъат асари миллий шаркона услубда бронзадан ишланган булиб у Миллий богнинг энг баланд кисмига жойлаштирилган ва богнинг барча нуктапаридан яккол кўришиб туради. Санъат асарида мутафаккирнинг фозиллик аломатлари уз ифодасини топган. Рамзий маънода барпо этилган меъморий унсур эса, унинг маҳобатли қиёфасини янада буюклаштирган. Ҳайкал ўзига хос услубда, яхлит тарзда бажарилган ва майда бўлакларга эътибор кам каратилган. Узок масофадан туриб, шоирдаги кексалик аломатини яна хасса воситаси оркали идрок этиш мумкин. Лекин, хайкалга якинлашган сари, хассадаги бу хусусиятлар иккинчи даражага ўтиб, юз кисмдаги шоирнинг маъноли чехраси, унинг накадар буюклиги яккол кўринади.

Тасвирий санъат хайкалтарошлик тури хақида гап борганда, унинг нақадар машаққатли нечоғли мушкул эканлигини айтиб ўтиш ўринли. Чунки, ижодкор-рассом тасвирий санъатнинг хайкалтарошлик тури эса муаллифдан нисбатан кучлироқ матонат ва бардош талаб этади. Ҳақиқатни тарих саҳифаларидан асло ўчириб бўлмайди. улар қандай даврда ҳам ҳақиқат ҳақиқатлигича қолаверади. Замонлар ўтиб у албатта бўй кўрсатади, тантана қилади. Соҳибкирон Амир Темур тақдир бунга яққол мисол бўла олади. 1993 йил августида мамлакатимиз пойтахтининг марказида буюқ давлат ар-боби, енгилмас саркарда Муҳаммад Тарагай Баҳодир Амир Темурга маҳобатли хайкал ўрнатилди. Мустақиллигимизнинг икки йиллиги байрам қилинаётган кунларда мислсиз шон-шавкат соҳиби Амир Темур уз ватанига қайтди. Ёдгорлик очилишига бағишланган маросимда нутқ сўзлаган Президент Ислам Каримов бундай-деган эди: «Амир Темур номи тарихимиз саҳифала ридан қора Темур номи қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий гурур туйғусини йукотиш, уни қарамликка, тобеликка қундириш эди. Лекин узбек халқи уз аждоғларини, ўз баҳодирларини унутмади. Ҳамиша юрагида, қалб турида сақлади». Амир Темур хайкапининг қад ростлаши узбек халқининг гурурига гурур қушди, унинг жаҳон аҳли олдидаги маънавий маъкеини янада юксалтирди. Ўтмиши қабил келажак ҳам буюқ миллат эканини намоён этди. Бу муаззам ёдгорлик ижодкорлари-таниқли хайкалтарошлар Илхом ва Қамол Жабборовнинг номи соҳибкирон боис эл аро машҳур бўлиб кетди. Санъатпарвар халқимиз қинақам ижодий меҳнатнинг ҳамиша қадрига етади. Шу боис Илхом ва Қамол Жаббаров мазкур асар учун Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Давлат муқофатиға сазовор бўлдилар. Орадан уч йил ўтди. 1996 йил октябрида Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуд туйи мамлакатимизда зўр тантана билан нишонланди. Ўша тарихий кунларда Самарқанд ва Шаҳрисабзда улуг бобомизға янги мухташам хайкаллар урнатилди. Уларни барпо этишда ҳам Илхом ва Қамол Жаббаров қатта ижодий меҳнат қилишди Буюқ аждоғларимизнинг таваллуд кунларини республика миқёсида тантана қилиш Мустақилликнинг ўзига хос жихати сифатида яхши анъанаға айлалиб қолган. Ва шу уринда яна бир қиройли фикрни юритишимиз мумкин: Тарихий хотира-халқ маънавиятининг асосидир. Ана шу буюқ асосда, маънавий мулкимиз учун бутун ҳаётини Ватан озодлиги, халқ бахт- саодатиға бахшида этган буюқ Саркарда Жалолиддин Мангуберди туради.

Ушбу довьорак ватан химоҷисини хотирасини абадийлаштириш мақсадида ҳам 1998 йилда яна бир ҳуқумат қарори қабул қилинди. Шунга асосан Хоразм шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлиги барпо этилди. Чингизхондек ёвуз босқинчиға қарши қурашда мисилсиз матонат, жасторат намуналарини кўрсатган Хоразмшоҳлар сулоласидан* бўлган Жалолиддин Мангубердининг

ана шундай мард киёфасини яратиш устида ўнлаб хайкалтарошлар уз лойхаларини яратдилар. Лекин хозирги пайитда Хоразм шахрида кад кўтариб турган Жалолiddин Мангубердининг ёдгорлигини яратган хайкалтарош Й. Жабборов лойхаси булиб, негаки айнан шу муаллиф яратган образида миллий кахрамон сиймоси аниқрок талкин килинганлиги яккол кўриниб турибди. Тарихий шахсларнинг махобатли киёфасини акс эттириш борасида хайкалтарош Р. Миртожиев асарлари мухим ўринга эга. Унинг махобатли асарлари хозирда кўплаб вилоятларда кенг тарқалмоқда. Хайкалтарошнинг бадий махорати у томонидан яратилган тарихий шахслар образларида уз ифодасини топган. Р. Миртожиев «Захриддин Мухаммад Бобур» хайкали (1993 йил Андижон шахри), «Абдулла Қодирий» хайкали (1994 йил Тошкент шахри), «Чўлпон» (1997 йил Андижон шахри) «Она» хайкали (1999 йил Жиззах шахри) каби бир катор бадий нуктаи назардан йирик ёдгорлик асарларини яратди. Р. Миртожиевнинг майда пластик санъат борасида эришган тажрибалари уз навбатида махобатли хайкаллар яратиш жараёнида самарали хизмат килади. 1993 йили Захриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш муносабати билан Андижон шахри марказига Р. Миртожиев томонидан яратилган Бобур монументи ўрнатилди. Ушбу асар Бобурнинг ички тугёнлари тимсолида юзага келган узига хос ком позицион курилма, образига улугворлик бахш этиш билан бирга хайкалтарошнинг шоирга булган хурмат-эҳтироми янглиг, томошабинда катта таъсурот уйғотади. Бу ёдгорлик мустақиллик йилларида яратилган махобатли хайкаллар орасида, бадий кимматининг узига хос жихатлари билан ажралиб туради. Ушбу монументга романтик тарафдан ёндошган хайкалтарош ўз орзусидаги образни идеаллаштиришга харакат килиб, бу ёдгорликни барчага манзур килиб санъат даражасига олиб чиқади.

Шунингдек Р. Миртожиев томонидан яратилган ёдгорликлар орасида, катагон йилларини курбонлари Абдулла Қодирий ва Абдулхамид Чўлпон образлари хам алохида урин эгаллайди. А. Қодирийнинг огир кимматини хотирлаш ва абадийлаштириш максатида унинг ёдгорлик киёфасини яратиш борасида 1994 йилда ўтказилган танловда Р. Миртожиев уз лойхаси билан иштирок этди, хамда Қодирий хотирасига багишлаб ёдгорлик яратишдек шарафли ва маъсулиятли вазифа хайкалтарошга ишониб топширилди. Куп изланишлардан сўнг хайкалтарош ажойиб композиция яратди.

Хайкалтарош ўз хиссиётларини сунъий тошга йўниш билан биринчи маъноли гоёларни беками-кўст ёдгорликка мухрлади. Муаллифнинг бу монументи унинг ро мантик дунёсини фалсафий мушохадаларга бойлигини исботловчи гувоҳ сифатида А. Қодирий номли истирохат богида кад ростлади. Андижон шахрида ўрнатилган «Чўлпон» асарларида хайкалтарошнинг Чўлпон шахсияти ва ижодига булган ички хиссиётларидаги хурмат ва муносабатларини

кўршимиз мумкин. Унинг гоёвий мазмуни, рамзий маънодаги унсурлар оркали очиб берилди. Томошабин бу унсурлар воситасида шоирнинг олисга термулган нигоҳи остида, мустикалликнинг шафакларига термулгандек, маънос, хавас ва ишонч билан турган қиёфасини қуришга муяссар булади. Чўлпон ўтирган кесилган чинор дарахти, хайкалтарош томонидан рамзий маънода, катагон йиллари топталган халкимизнинг миллий гурур тимсоли сифатида яратилган. Шунини эътиборга олиш зарурки, шоир қиёфаси ҳажм жиҳатидан 5м.га тенг булган бронзадан қуйилган.

Ҳайкалтарош Р. Миртожиев ижодига хос хусусиятлар шундаки, муаллиф барча асарларида халкимизнинг миллий қиёфаси, урф-одатлари, анъана ва маросимларини тулақонли ўзига хос йўсинда ишлайди. Дастгоҳли хайкалтарошлик санъатида замонавий ва миллий анъаналар ўзаро уйғунлаштирилди. Бу давр дастгоҳли хайкалтарошлик санъатининг ўзига хослигининг яна бир кўриниш, реализм анъаналарини амалдан суриб чиқарилиши ва бадиий ифодавийликнинг етакчилигида бўлди. Энди хайкалтарош Тўлаган Тожихўжаев ижодига ўтар эканмиз, ушбу муаллиф тунж, гипс, шамот, шунингдек, турли тошлар устида ишлаб, уларга мохирона сайкал бериб санъат асари даражасига келтиради. Мусаввир таъкидлашича, унинг севиб ва алоҳида ихлос билан ишлайдиган манбаи бу тош. Айниқса «илон изи» ва оникс тошлари устида ишлаш унга рухий қайфият, илҳом бахш этади. Замонавий жараёнга кизикувчанлик, шунингдек, ҳамкасблари ва дўстлари билан мулоқатда булиш, уларнинг тажрибаларидан ўрганиш ҳамда маъқул томонларини ўзига сингдиришга уриниш хайкалтарош ижодига хосдир. Хайкалтарош ижоди давомида Баходир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзаев, Илҳом Жабборов каби мусаввирлар билан мунозаралар юритиш оркали уз асарларини мазмунан ва шаклан бойитишини таъкидлайди. Композияларда Микеланджело Буаноротти, Леонардо да Винчи шунингдек, Энгр, Жерико сингари буюк мусаввирлар ва хайкалтарошларнинг таъсири сезиларли, зеро мусаввир уларнинг ижодини тинимсиз урганани* Булардан ташқари, хайкалтарош қадим Рим ва Юнонистонда анъаналарига таяниб, уларни тошдан таҳлил қилиб ишлайди. Маълумки, портрет мураккаб жанр ҳисобланиб, аксарият ҳолларда инсон гавдаси ва тана аъзолари натурадан ишланиб, унинг характери ва изтиробларини ақс эттириш мушқул.

Шунга қарамай, Тошхўжаев ижодининг қатта қисмини портрет эгаллайди. Портрет жанрига мурожаат этар экан, у ўтмиш ватандошлари образларини яратишга қупрок уринади. Аксарият ҳолларда у улуг ижодкорлар портретини ишлайди. Алишер Навоий, Машраб, Фуркат, Улугбек каби рухий ва маънавий жиҳатдан ута мураккаб шахсларга мурожаат этади. Уларнинг ички рухий, лирик кечинмапарини юз мимикалари ва қарашлари оркали кўрсатишга ҳаракат

килади. Дастгохли хайкалтарошлик оркали яхши танилагн ижодкор Дамир Рўзибоев ҳам мустакиллик йилларида самарали ижод қилиб, ўзининг услубий йўлини авангард руҳи билан бойитди. Дастлабки йилларда дастгохли хайкалтарошлик санъатининг яна бир вакили Жўлдасбек Куттимуродов ҳам мустакиллик йиллари уз ижодида қоракалпоқ оханглари хайкалтарошлик асарларига кўчирган. Унинг ижодига мансуб, «Аёл», «Ўтирган соҳибжамол», «Амударё», «Оккуш», «Кизил тож таккан киз», «Шохли Искандар» асарларида хайкалтарош табиатини идрок этиш мумкин. Ж. Куттимуродов томонидан яратилган асарларда эртақлар, гаройиботлар олами намён булади. Шунини айтиб ўтиш керакки Бадий Академиянинг кўргазмалар залида 2000 йилда бўлиб ўтган «Қоракалпоғистон замонавий тасвирий ва амалий санъати» кўргазмасида Ж. Куттимуродов «Авесто» туркумидаги асарлари билан муваффақиятли иштирок этди. Хулоса қилиб айтганда, истиклол даври хайкалтарошликнинг яққол намёндаларидан И. Жабборов, Э. Алиев, А. Рахматуллаев, Н. Бонделадзе, В. Дегтярев, Р. Миртожиев, П. Подосинников, А. Рябцев, П. Ахмедзянов, Ш. Усмонов, Қ. Норхўрозов, Д. Рўзибоев, Т. Тожихўжаев, Ж. Куттимуродов, У. Мардиев каби бир қатор ижодкорларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу давр хайкалтарошлигида миллий мафкурага асосланган мавзулар ва қисман янги бадий шакллар кашб этилганлигини ҳам эътироф этиш лозим. Яна шунини айтиб ўтиш зарурки, 1990 йиллар хайкалтарошлигида, асосан, тарихий сиймолар гавдаланади ва уларнинг сони кўпайиши баробарида услуб жихатларининг янгилини ҳам бир қатор асарларда кузга ташланади. Шунинг билан биргаликда, замонавий мавзулар, қахрамонлар образларига нисбатан кам аҳамият берилганлиги хайкалтарошлар олдига янада янги ва муҳим вазифаларни қўяди.

Назорат саволлари

1. Релеф бу қандай кўринишдаги хайкал тури?
2. Барелеф асосан нималарда ишлатилади?
3. Ўзбекистонда хайкалтарошликнинг ривожланишини нималарда кўрасиз?
4. Хайкалтарошлик санъат турининг тарбиядаги ўрни?
5. Ўзбек хайкалтарошларини санаб ўтинг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbilgin. “ Arts marketing”, «Elsevier Butterworth-Heinemann» Germaniya, 2014
1. Адуллаева Н.Д., Санъат тарихи. Ўқув қўлланма. Тошкент 2014

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу. Пластик ва бошқа мос ҳайкалтарошлик материаллардан уч ўлчамли фазовий композициялар яратиш. Тош, темир, бронза, мис, ёғоч, лой ва бошқа материаллардан бадиий образ яратиш. (4 соат)

Ишдан мақсад: Ҳайкалтарошликнинг моҳияти ва вазифалари, санъат асарлари бозори ва унинг индикаторлари бўйича асосий кўникмаларни такрорлаш. Истъемолчиларни таҳлил қилиш. Ҳайкалтарошлик композицион тузиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар томонидан кичик гуруҳларга бўлиниб, улар ҳар бир вазифа бўйича берилган саволлардан жавоб олиш ва шарҳлаб бериш.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи талабаларни 4-гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай кўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга яқун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек талабалар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича яқунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

Гуруҳда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, хурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- Бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- Кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиш-2 минут.
2. Муҳокама қилиш –3 минут.
3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (такдимот) қилиш –5 минут.
5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.
6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

1-илова

Биринчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар.	Тушунча ва шарх	Изох
Маркетинг концепцияси нимани англатади?		
Рекламанинг эволюцион ривожига ҳақида гапириб беринг		
Экспомакетинг нима?		

Иккинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар.	Тушунча ва шарх	Изох
Арт маркетингнинг субъектлари ва объектларини тушунтириб беринг.		
Дилерлик сектори ҳақида сўзлаб беринг.		
Кўргазмаларни қандай таснифлаш мумкин?		

Учинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар.	Тушунча ва шарх	Изох
Арт маркетинг мақсадлари нима?		
Бугунги кунда бадий бозор таркибига нималар киради?		

Интернет кўргазмаларининг қандай асосий жиҳатлари мавжуд?		

Тўртинчи гуруҳ учун вазифа.

Саволлар.	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Дилерлик сектори ҳақида сўзлаб беринг.		
Доимий истеъмолчилар кимлар? Потенциал истеъмолчилар ким?		
Санъат асарлари бозори, деб нимага айтилади?		

2-илова

Гуруҳни баҳолаш жадвали.

Гуруҳлар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гуруҳ					
2-гуруҳ					
3-гуруҳ					
4-гуруҳ					

2-мавзу. Шаҳарсозлик меъморий ечимларида замонавий ҳайкалтарошлик композицияларини қўллаш. (4-соат)

Ишдан мақсад: Шаҳарсозлик меъморий ечимларида кадрлар тайёрлашда уларнинг касбий хусусиятларини ривожлантириш. Истъемолчиларни таҳлил қилиш. Ҳайкалтарошлик композицион тузиш кўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: 3D - модел ва фотоҳайкалтарошликда қўлланиладиган замонавий ашёлар, тўлдирувчи компоненталар.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи талабаларни 4-гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-кўчма машғулот.

Шаҳарсозлик меъморий ечимларида замонавий ҳайкалтарошлик композицияларини қўллаш.

(4 соат)

Милоддан аввалги V-IV минг йилликларда Туямўйин атрофлари ва Сарикамиш бўйи сарҳадларида Амударё сув сатҳи кўтарилиши муносабати билан табиий равишда тўпланган сув ҳавзалари атрофида антропоген ландшафт таъсирида қулай географик муҳит ва қулай табиий шароит доимий сернам ва серунумли бўлмаганлиги натижасида митти-митти массивларнинг шаклланишига олиб келган. (Сарикамиш ва Капарас воҳаси). Демак, милоддан аввалги V- минг йилликда Сарикамиш ҳавзасининг ғарбий ва жануби-ғарбий (Давдон ирмоғи ҳавзаси, Узбой атрофлари) сарҳадлари инсониятнинг келиб жойлашиб, хўжалик йўналишларни олиб бориши учун қулай шароитнинг мавжуд бўлиши билан бирга, ўсимлик ва ҳайвонот оламига ҳам бой бўлган. Шаҳарсозлик меъморий ечимларида замонавий ҳайкалтарошлик композицияларини қўлланилади. Бадиий асардаги шакл композицион қурилиши мазмунни шакллантириладива ифодаланади.

Тестлар

Тест топшириғи	Тўғри жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб	Муқобил жавоб
Гипс нечанчи асрда ишлаб чиқарилган?	15 аср	12 аср	18 аср	19 аср*
Гипснинг қайси турларини биласиз?	5 тури	3 тури*	2 тури	1 тури
Цемент нечанчи асрда ишлаб чиқарилган?	15 аср	16 аср	1-2 аср*	5-6 аср
Хайкалтарошлиқд а цементнинг асосан қайси маркаси ишлатилади	300-400*	200-300	500-600	400-500
Хайкалтарошлиқд а асосан нечта ёғоч тури ишлатилади	5	2	6	9*
«Порос ва Туф»-бу нима	Темир	Ёғоч	Тош*	Лой
Хайкалтарошлиқд а темирнинг қайси турлари ишлатилади	Оддий темир	Варақали темир	Рангли Темир *	Мўрт темир
Пластмасс қайси даврнинг ашёси?	19 аср	18 аср	16 аср	20 аср*
«Тонировка» бу нима?	Сепиш	Қуйиш	Чизиш	Бўяш*
Хайкалтарошлиқд а ишлатиладиган дарахтларнинг нечта турларини биласиз?	4 та	5 та	6 та	9 та*
Мармар билан известнякни фарқи	Таркибида *	Вазнида	Рангида	Кўринишида

нимада?				
Бронзани ранги қанақа?	сарик	қўйғир	яшил	қизил сарик*
Алюминнинг ранги қанақа?	оқ	кулранг	кумуш ранг*	кўк
Чўяннинг ранги қанақа?	қора	оқ	кулранг*	яшил
Мармар яна қайси соҳаларда ишлатилади?	Меъморчилик*	медицина	спорт	дехқончилик
Релеф нима	Текисликда буртириб ишланадиган хайкалтарошлик тури*	Бир тамонлама тасвирланадиган хайкалтарошлик тури	Теккис хайкал тури	Хайкалтарошлик тури
Релефни Баралефдан фарки ним	Релефга * кўра Баралеф 30% чииб турган холати	Релефга кўра Баралеф 10% чииб турган холати	Релефга кўра Баралеф 50% чииб турган холати	Релефга кўра Баралеф 80% чииб турган холати
Горелеф нима	Текисликдан 80% * чикиб турган хайкалтарошлик асари	Текисликдан 10% чикиб турган хайкалтарошлик асари	Текисликдан 50% чикиб турган хайкалтарошлик асари	Текисликдан 40% чикиб турган хайкалтарошлик асари
Синч нима	Лой булган хайкал асоси	Тош булган хайкал асоси	Мармар булган хайкал асоси	Темирдан * булган хайкал асоси
Меъморчилик деганда нимани тушунасиз?	ғоявий	*қулайлик ларга эга бўлган иншоот	сиёсий	Композиция
Ансамбл нима?	*яхлитлик нинг ҳам- ханглиги	мутаносиблик	контраст	композицион ечим

Хайкалтарошликда рельеф қандай иншоотларда ишлатилади?	*бино фасадини безашда	деворда	хиёбонда	генпланда
Маҳобатли хайкаллар қаерларга қўйилади?	парк ва боғларга	турар жойларга	Ландшафт да	*марказий хиёбонга
Декоратив хайкаллар қайси жойларга қўйилади?	шаҳар марказига	*парк ва боғларга	туман марказига	турар жойларга
Архитектор нима билан шуғулланади?	*қулайликларга эга бўлган иншоотларни яратади	ландшафт ва дизайн ишларини олиб боради	саноат ишларини олиб боради	ишлаб чиқаришни олиб боради
Анималистик хайкаллар асосан қаерларга қўйилади?	бинолар ичига	*болалар майдончаси, хиёбон паркларга	шаҳар марказига	район марказига
Аҳоли турар жойларининг асосий функционал мазмуни	меҳнат, маиший ҳаёт, транспорт	*меҳнат, маиший ҳаёт, дам олиш	меҳнат, ўқиш	меҳнат, дам олиш
Ҳиёбонлардаги пиёдалар юриши учун мўлжалланган йўлаклар қандай номланади?	шаҳар боғи	кичик боғ	*сайр йўлаги	хиёбон
Кўкаламзорлаштирилган объектларнинг очик соҳаларига қопланган ўтлар нима дейилади?	солитер	партер	*газон	аллея
Ёдгорлик тахталари кимларга қўйилади?	*тарихий шахсларга	рассомларга	ишчиларга	ёзувчиларга

Ёдгорлик тахталари қаерларга қўйилади?	саноат биноси	*уй музейла-ри, таълим муассасалари	мактаб	ташкilot
Маҳобатли хайкаллар кимларга қўйилади?	ишчиларга	врачларга	*тарихий шахсларга	олимларга
Симметрик дегани нима?	*геометрик марказга нисбатан тенг шакллар	геометрик шаклларнинг ўхшашлиги	ўхшаш шакллар	мутаносиб бинолар
Ритмлик нима?	элементларнинг ўхшашлиги	*узлуксиз такрорланувчи шакллар	меъморий асарнинг ифодаси	яхлитлик, ҳамоҳанглик
Қайси давлатда биринчи бўлиб боғлар ва паркларни ташкил этиш санъати мавжуд бўлган?	*Миср	Хитой	Ассирия Вавилон	Хиндистон
Қолиблар нечта хилии мавжуд	2 хил *	3 хил	10 хил	1 хил
Этют нима	Хомаки * хайка	Тугалланмаган хайкал	Кичик хажимли хайкал	Катта хажимли хайкал
Декартив хайкалга нималар киради	Безакли * хайкал	Кичик хажимли хайкал	Катта хайкал	Ўрта хажимли хайкал
Пунктир усқунасини вазифаси нима	Хайкални * никталар ёрдамида ашёга кучириш усқунаси	Хайкални катталаштириш усқунаси	Хайкални кичрайтириш усқунаси	Хайкални улчамини олиш усқунаси
Қолиб нимадан олинади	Гипсдан*	цементдан	лойдан	мармардан
Қолибга олиш нима	Хайкални нусхаси	Хайкални * ашёга ўтказишдаги иш жараёни	Хайкал булаклари	Портрет булаклари

Қолибни ичи куйишдан олдин нима билан ишлов берилди	Мой ва лак билан*	Сув ва мой билан	Клей ва лак билан	Лак ва сув
Тошкентдаги Амир Темур хайкали ким тамондан ясалган	И.Жабборов *	К.Жабборов	Р.Жабборов	Б.Жабборов
Тошкентдаги Амир Темур хайкали қачон ясалган	1993 йил*	1992 йил	1994йил	1995 йил
Жаллолидин Мангуберди хайкали қачон ким тамонидан ясалган	И.Жабборов * 1999 йил	И.Жабборов 1998 йил	И.Жабборов 1997 йил	И.Жабборов 2000 йил
Зулфия хайкали қачон ва ким тамондан ясалган	Ж.Миртожиев 2008 йил *	Ж Миртожиев 2007 йил	Ж.Миртожиев 2010 йил	И.Жабборов 2008 йил
Ватанга қасамиёд хайкали ким тамондан ясалган	Ж.Миртожиев*	И.Жабборов	Р.Ерметов	Ж.Миртожиев
Ватанга қасамиёд хайкали қачон ўрнатилган	Тошкент * 2010йил	Тошкент 2011йил	Тошкент 2009йил	Тошкент 2012йил
Мустақиллик ва эзгулик арқаси ким томонидан ясалган	Р.Ерметов *	И.Жабборов	Ж.Миртожиев	А.Хатамов
Мустақиллик ва эзгулик арқаси қачон ясалган	2005 йил*	2006 йил	2003 йил	2004 йил
Тошкент шаҳридаги Низоми Ганжавий хайкали ким томонидан ясалган	И.Жабборов *	К.Жабборов	Р.Жабборов	Д.Жабборов
Тошкент шаҳридаги Низоми Ганжавий хайкали қачон ўрнатилган	2004 йил*	2003 йил	2002 йил	1993 йил

Эл - юрт таянчи монументи республикамизни қайси шахрига қачон ўрнатилган	2006 йил * Қарши шахри	2006 йил Фағона шахри	2007 йил Наманган шахри	2005 йил Урганч шахри
Йирик ҳайкалтарошлик тури қайси қаторда?	* Монументал ҳайкалтарошлик	Декоратив ҳайкалтарошлик	Дастгоҳ ҳайкалтарошлик	Майда пластика, терракота
Тасвирий санъатда ҳайвонлар билан боғлиқ жанр қандай аталади?	Портрет жанри	Марина жанри	Натюрморт	* Анимал жанр
Энг дастлабки Миср эҳромлари номи:	Дольтен	Кромлех	Менгир	* Мастаба
Джосер пирамидаси муаллифи	* Имхотеп	Хемуин	Сахура	Хафрен
Нефертити ҳайкали ҳайкалтарошлик санъатининг қайси турига мансуб?	* Думалок	Рельеф	Горельеф	Монументал
Микенадаги «Шерлар дарвозаси» ҳайкалтарошликнинг қайси турига мансуб?	* Монументал	Дастгоҳ	Декоратив	Майда пластика ва терракота
«Дискобол» ҳайкали муаллифи	* Мирон	Пэоний	Полигнот	Фидий
Жаллолидин Мангуберди ҳайкали қайси шаҳарга ўрнатилган	Урганч ш *	Фарғона ш	Термез ш	Самарқанд ш
Рим империясида кенг қўлланилган санъат тури	* Ҳайкалтарошлик	Монументал рангасвир	Дастгоҳ рангасвири	Рангасвир
Византия санъатида илоҳий обидалар интерьерда ҳукм	* Мозаика	Декоратив рангасвир	Монументал ҳайкалтарошлик	Дастгоҳ рангасвир

сурган монументал санъати тури				
Биринчи яланғоч ишланаган «Давид» хайкали муаллифи	* Донателло	Никола Пизано	Микеланджело	Гиберти
Таниқли хайкалтарошлар қайси қаторда?	* И.Жабборов,Ж. Куттимуратов, Х.Хусниддинх ўжаев	А.Хошимов, О.Юнусов, Ж.Умарбеков	И.Иванов, Н.Тен, И.Шишкина	И. Репин, А.Бойматов, А.Саврасов
Диск улоқтирувчи хайкалининг муаллифи ким?	Микеланджело	Скопас	Бартольди	* Мирон.
Дунёга машхур «Лувр» музейи қайси шаҳарда жойлашган?	*Париж	Москва	Нью-Йорк	Санкт-Петербург
Хайкалтарошлик санъатида хикоя қилиб берувчи характерга эга бўлган тури (Қадимги Миср, Олд Осиё)	*Бўртма (рельеф) хайкалтарошлик	Монументал хайкалтарошлик	Думалок хайкалтарошлик	Декоратив хайкалтарошлик
Олд Осиёда сарой ва илохий иншоатларга кириш олдида Шерёки хўкиз танасига одам боши қўйилган хайкал номи:	Сфинкс	Шеду	*Кентавр	Циклоп
Персепол саройига киришида қўлланилган хайкалтарошлик санъати тури:	*Бўртма хайкалтарошлик	Думалок хайкалтарошлик	Монументал хайкалтарошлик	Декоратив хайкалтарошлик
«Антик» сўзи таржимаси маъноси	* Қадимги	Ўтган замон	Намунали	Илғор
Қадимги Греция тасвирий	* Ўралган аёл	Яланғоч ўсмир	Ярим ўралган аёл образи	Харакатдаги инсон образи

санъатида «қора» атамаси:				
Византия санъатида илохий обидалар интерьерда хукм сурган монументал санъати тури	* Мозаика	Декоратив рангтасвир	Монументал хайкалтарошли к	Дастгоҳ рангтасвир
Антик санъатга тақлид қилиш маъносидан келиб чикқан ўрта асрларда хукм сурган бадий услуб	* Роман	Готика	Рококо	Барокко
XV – XVI асрларда аввал Италияда сўнг бошқа давлатларда феодализм маданиятига оппозицион бўлган давр номи	* Уйғониш	Готика	Классицизм	Ампир
Ғамли орзулар кайфиятини берувчи рассом, «Венерани туғилиши», «Баҳор»	* Ботичелли	Рафаэль	Микеланджело	Филиппо Липпи
Юқори уйғониш даврида меъморчилик, хайкалтарошлик. Рангтасвирда 70 йил давомида ижод қилиб баробар ютуқларга эришган рассом, хайкалтарош	* Микеланджело	Леонардо да Винчи	Рафаэль	Тициан
Леонардо да Винчининг Мона Лиза «Джаконда» (1503-1506) асари қайси музей	* Лувр, Париж	Дрезден галереяси	Прадо, Мадрид	Эрмитаж, Санкт Петербур

экспозициясига киради?				
«Сикстин мадоннаси» муаллифи ким?	* Рафаэль	Леонардо да Винчи	Микеланджело	Боттичелли
Юқори Уйғониш даврида Ватикандаги Авлиё Пётр иботатхонаси Сикстин капелласи девор ва шифтига ишланган умумий 600 кв. м. майдонни ташкил этган монументал асар муаллифи	*Микеланджел о	Рафаэль	Леонардо да Винчи	Джорджоне
Ўз асарларида, хайкалтарошликда «барокко» услубини энг характерли томонларини бирлаштира олган хайкалтарош «Авлиё Тереза Экстази» (1645-1652) «Апполон ва Дафна» (1622-1625) асар муаллифи ким?	*Лоренцио Бернини	Андреа Паццо	Аннибале Караччи	Рубене
Дрезден картиналар галереяси қайси мамлакатда?	*Германия	Швеция	Австрия	Бельгия
Романтизм оқими қандай оқим?	*Рассомнинг кўпроқ ўз ички кечинмасини талқин этиши	Хаёлдан ишлаш	Рассомнинг воқеликни ҳаққоний ишлаши	Борлиқни кузатиб тасвирлаш
Халқлар Дўстлиги майдонидаги “Халқлар Дўстлиги монументи” нинг муаллифи кимлар?	*Д.Рябичев, Л.Адамов, И.Одилов	Д.Рўзибоев, И.Жабборов,А. Мирзаев	А.Мардиев, А. Бойматов, Миртожиев	А.Бойматов, Ж.Изентаев, Б.Бобоев

Ҳайкалтарошлик санъатида хикоя қилиб берувчи характерга эга бўлган тури (Қадимги Миср, Олд Осиё)	*Бўртма (рельеф) Ҳайкалтарошлик	Монументал Ҳайкалтарошлик	Думалок Ҳайкалтарошлик	Декоратив Ҳайкалтарошлик
Нефертити Ҳайкали Ҳайкалтарошлик санъатининг қайси турига мансуб?	* Думалок	Рельеф	Горельеф	Монументал
Тошкен шаҳридаги Матомсаро она Ҳайкалин муалифи ким	И.Жабборов*	К.Жабборов	Ж.Миртожиев	Р.Ерметов
Тошкен шаҳридаги Матомсаро она Ҳайкали қачон урнатилинган	1999 йил *	1998 йил	2000 йил	1997йил
Тошкен шаҳридаги Матомсаро она Ҳайкали қайси машхур рассомнинг асаридан андоза олинган	Р.Ахмедов * “Она ўйлари”	Р.Ахмедов “Оналик тонги”	Р.Чориев “Она ўйлари”	Б.Жалолов “Она”

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс №1. “Тамошабоб санъат”(Визуал арт)

Тавсвирий санъат оммабоплигини янада ошириш мақсадида европада нафакат хиёбонларда балки ўча бекат ,йўлакларда ,чўмилиш хавзаларида турли хил жанирларда хайкалтарошлик асарлари ўрнатилганини кузатишимиз мумкин шу туфайли ушбу соҳадаги қўшимча қийматнинг капиталга айланиш жараёни яни одамларни қизиқишини ортириш эстетик дидини шакиллантириш ва тарбиявий ахамиятга ҳам эришиш мумкин. Музей ва галереялар атрофида ушбу кўринишдаги хайкалларни ўрнатиш билан санъатга булган қизиқишни ортириш Музейга тамошабинларни келишини ортириш мумкин .Музей ва галереяларда ёш болалар учун қисқа мудатли махорат дарсларини ташкил қилиш келажак авлодни тарбиясида жуда катта ахамиятга эгадир.

Саволлар

1. Санъат муассасаларининг биргаликдаги ҳаракатида қандай афзалликлар ва камчиликлар бўлиши мумкин?
2. Галереялар реклама кампаниясини ўтказишда қандай маълумотларга эга бўлдилар? Ушбу маълумотлардан потенциал миждозлар билан узок муддатли муносабатларни ўрнатишда қандай фойдаланиш мумкин?
3. Сизнинг фикрингизча, ушбу музейга ташриф буюрувчиларни санъатга эмас балки тўғаракка жалб этишга айланиб қолиш хавфи қай даражада? Ушбу хавфни чеклаш учун нима қилиш мумкин?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модуль бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақи таълим мавзулари

1. Ҳайкалтарошликнинг келиб чиқиш саблари;
2. Ҳайкалтарошликнинг ривожланиш омиллари;
3. Мустақиллик даврида ҳайкалтарошлик
4. Ҳайкалтарошликда композиция тушунчаси;
5. Ҳайкалтарошликнинг тарбиядаги аҳамияти;
6. Замонавий ҳайкалтарошлик;

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Бадий образ	рассомнинг ҳаёлида тикланган, умумлаштирилган ифодаси, бутун давр, синф, сулола ҳақида сўзловчи санъат тасвири	a generalized expression of the artist's imagination, a portrayal of the art of the whole period, class, dynasty
Бюст	одамнинг кўкракдан юқори қисмини тасвирлайдиган ҳайкал	a sculpture depicting the upper part of the chest
Рельеф	ҳайкалтарошликнинг бир тури, шакл, тасвир фон (замин)дан бўрттириб ёки, аксинча, ўйиб ҳосил қилинади	a form of sculpture, shape, image exaggerates or vice versa
Горельеф	бўртма ҳайкал ёки нақш, ҳайкал ёки нақш-гулнинг ярмидан кўпи бўртиб чиққан бўлади.	or more than half of the embossed sculpture or pattern, statue or pattern.
Силуэт	инсон, ҳайвон, қуш, нарса ва бошқаларнинг сояга ўхшатиб бир рангда ишланган тасвири	a color illustrated by a human being, an animal, a bird, a thing, and others
Стек	ёғочдан ишланган ҳайкалтарошлик қуроли	wooden sculpture weapon
Тонлама	ҳайкални бўяш	paint a sculpture
Кескич	ашёда ишлашда ишлатиладиган ўйиш ускунаси	equipment processing equipment
Пунктир машинка	моделдан ашёга кўчириш ускунаси	Dotted machine
Победит	стамеска учидаги синмайдиган, қаттиқ металл	the model from to the material
Шокул	моделнинг тўғрилигини кўрсатувчи асбоб	a device that shows the correctness of the model

Каолин	хайкалтарошлик учун махсус ишлатиладиган лой тури	The type of sludge specially used for sculpture
Полиэстр	пластмассанинг замонавий тури	modern type of plastic
Битум	сақичсимон ашё	chewing gum
Петля	лойни қирадиган асбоб	clay tool
Смазка	қолипларни мойлаш учун ишлатиладиган ашё	used for lubrication
Дастгоҳ	айланиш хусусиятига эга бўлган дастгоҳ	a workshop with rotation
Бўртirma мажмуи	рангли металга ишлов берувчи ускуна	non-ferrous metal processing equipment
Формовка	бўлакларга бўлиб қолип олиш	fragmentation
Мольберт	моделни тасвирлаш жараёнида планшетни қўйиб ишлаш учун мўлжалланган махсус дастгоҳ	Specific software designed to work with tablets in the process of modeling
Қуриш	моделни қоғозда тўғри тасвирлаш, шаклларнинг бир-бирига нисбатини тўғри тасвирлаш	accurately describing the pattern on paper, accurately describing the relation between the forms
Нусха олиш	бу маълум бир таникли рус ва Европа классик рассомларининг қаламтасвир асаридан нусха олиш, ушбу асарни тасвирлаш техникасини ўрганиш.	This is a copy of the works of the famous Russian and European classical painters, studying techniques of painting this work.
Ритм	яратилган асар компонентларининг оҳангдор, текис ёки динамик қайтарилиши.	Ringtones, Flat, or Dynamic Return of Created Work Components.
Пропорция	Хажмнинг мутаносиблиги	Equilibrium volume

Фрагмент	Асарнинг маълум бир қисми	A part of the work
Ассиметрия	Буюм ва бўлақларнинг бир-бюирига номуносиблиги	Disproportionate proportion of pieces and pieces
Деталь	Тасвирланаётган моделнинг кичик қисми	A smaller part of the model being presented
Симметрия	Буюм ва бўлақларнинг бир-бюирига муносиблиги	The proportion of pieces and pieces
Хажм	Тасвирнинг хажмли кўриниши	Picture aspect ratio
Гармония	Бадий асар қисмларининг муносиблиги	The proportion of pieces of art
Экорше	Инсон танаси кўринишини чизиш, ўрганиш учун махсус тайрланган ҳайкал намуналари	Sculptural specimens specially designed to draw the look of the human body
Стилизация	Табиатдан олинган мураккаб шаклни соддалаштириб ифода қилиш (безак кўринишига олиб келиш) йўли	The simplest way to describe the complex nature of nature is to express it (ornaments)

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. 2017 йил

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. 2017 йил

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда қурамиз. 2017 йил

5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг асарлари:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000.

2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсульмиз, 9-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2001.

3. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. -Т.: 2008.-176 б.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: “Ўзбекистон”. -Т.: 2011.-440 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта

тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Махсус адабиётлар

1. Finola Kerrigan, Peter Fraser, Mustafa Ozbiling. Arts – Paperback. Germany, 2004.
2. Liz Hill, Catherine O’Sullivan and Terry O’Sullivan. “Creative Arts Marketing”. 2004. Composition by Genesis Typesetting, Rochester, Kent Printed and bound in Great Britain.
3. Arthur Bernstein, Naoki Sekine, Dick Weissman. “The Global Music Industry”. RoutledgeTaylor & Francis Group, New York, 2007
4. Адуллаева Н.Д., Санъат тарихи. Ўқув қўлланма. Тошкент 2014

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.gov.uz
5. www.dsmi.uz
6. www.dsmimarkaz.uz
7. www.natlib.uz